


Медиа тур

Музработ туманида қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг амалга оширилиш жараёнлари тўғрисида Меди тур ташкил этилди



2021 йилда Сурхондарё вилояти Музработ туманида **37 та** маҳалла ҳудудидаги қишлоқларнинг архитектура қиёфасини янгилаш ва ҳудудларини ободонлаштириш бўйича жами **104,9 млрд** сўмлик ишлар бажарилади.

Жумладан, **“Обод қишлоқ”** дастури доирасида архитектура қиёфасини янгилаш ва ҳудудларини ободонлаштириш учун **2 та** қишлоқ танлаб олинди.

Ушбу танлаб олинган қишлоқларда **“Темир дафтар”**га **21 та** оила (тумандаги улуши – **3,3 фоиз**), **“Аёллар дафтари”**га **55 нафар** аёллар (улуши – **1,7 фоиз**) ва **“Ёшлар дафтари”**га **27 нафар** ёшлар (улуши – **0,9 фоиз**) киритилган.

Бундан ташқари, ҳудудларни баҳолаш натижаларига кўра, туман бўйича **8 та оғир (Тонг юлдузи, Чегарачи, Оби Хаёт, Мустақиллик, Маданият, Моҳият, Янги ер, Алпомиш)** маҳаллалар аниқланиб. Мазкур маҳаллаларда жами 19,7 км тупроқ кўчаларга шағал ётқизилди.

Юқоридагиларга асосан, ҳудуд аҳолисининг **турмуш даражасини яхшилаш**, уларнинг **доимий даромад манбаларини яратиш**, қишлоқлар (маҳаллалар)нинг **архитектура қиёфасини янгилаш ва ҳудудларини ободонлаштириш** бўйича жорий йилда қуйидаги ишлар амалга оширилади.

1. **Ички йўлларни яхшилаш (8,2 млрд сўм)** доирасида **35 та** қишлоқда жами **54 км** йўллар таъмирланади, жумладан, **14,0 км** йўлда асфальтбетон ва **40,1 км** тупроқ йўлда шағал ётқизилади. Натижада, тумандаги **7,0 фоиз** ички йўлларнинг **аҳволи яхшиланади**.
2. **Ичимлик суви таъминотини** ва оқова сув тармоқларини яхшилаш (**22,0 млрд сўм**) бўйича **5 та** маҳаллада (жами **72,0 км** тармоқ ҳамда **7 та** иншоот қурилиб, реконструкция қилинади. Натижада, **48 483 нафар** аҳолининг (**10253 та оила**) ичимлик суви **таъминоти яхшиланади**.
3. **Ирригация тизимини ривожлантириш (106 млн. сўм)** доирасида **2 та** қишлоқда жами **6,9 км** ички ирригация тармоқларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади.
4. **Электр таъминотини яхшилаш (11,4 млрд. сўм)** бўйича жами **83,0 км** электр тармоқлари тортилади ва алмаштирилади, **19 та** трансформатор ўрнатилади ва таъмирланади, **1 777 та** таянч устунлари ўрнатилади. Натижада, **22 та** қишлоқ ва маҳалладаги хонадонлар (**13,2 минг**) электр энергияси билан **барқарор таъминланади**.
5. **Газ таъминотини яхшилаш (8,7 млн сўм)** бўйича **2 та** маҳаллада жами аҳолига **16 та** газ баллони етказиб берилади. Натижада, **2 та** қишлоқ аҳолисининг **газ таъминоти яхшиланади**.
6. **Алоқа ва ахборотлаштириш тизимини яхшилаш (427,0 млн сўм)** доирасида **2 та** базавий станция таъмирлаш ва **13 км** алоқа тармоқларини қурилиши таъминланади. Натижада, **2 та** қишлоқ аҳолиси (**6,361 минг нафар**) сифатли алоқа ва интернет хизматлари билан **қамраб олинади**.

7. **Ижтимоий соҳа инфратузилмасини яхшилаш (20,07 млрд сўм)**
доирасида **1 та** қишлоқда **1 та** боғча, **3 та** қишлоқ ва маҳаллада **3 та** мактаб, **2 та** қишлоқ ва маҳаллада **2 та** тиббиёт муассасаси қурилади ва таъмирланади. Натижада, **22 480 нафар** аҳолига таълим ва тиббий хизматлар кўрсатиш даражаси ошади.
8. **Маҳалла ва маданият объектларини ривожлантириш (600,0 млн сўм)** бўйича **2та Мустақиллик ҳамда Оби Хаёт** маҳалла биноси қурилади ва таъмирланади.
9. **Транспорт (174,0 млн сўм) ва чиқиндилар билан ишлаш (24,0 млн сўм) инфратузилмасини яхшилаш** доирасида **2 та** автобекат (**150,0 млн сўм**) қурилиб, таъмирланади, **2 та** янги жамоат транспорт йўналиши йўлга қўйилади, **2 та** қишлоқдаги **8 та** янги турдаги модул, контейнер ва урналар ўрнатилади.
10. **Худудларни ободонлаштириш (507 млн сўм)** доирасида **2 та** қишлоқда жами **3,0 км** пиёдалар йўлакчаси қурилади ва таъмирланади, **4 та** кўчада тунги ёритиш тизими яхшиланади ҳамда жойларда жами **1500 туп** дарахт экилади.
11. **Туман марказининг архитектура қиёфасини яхшилаш (7,5 млрд сўм)** доирасида **4,8 км** пиёдалар йўлакчаси, **4,8 км** велосипед йўлаклари, **4,8 км** ирригация тармоқларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилади, жойларда жами **1450 туп** дарахт ва гул кўчатлари экилади.
12. Аҳолини **оммавий спортга** жалб қилиш (**21,0 млн сўм**) бўйича **2 та** қишлоқда (Мустақиллик, Оби Хаёт) жами **2 та** спорт майдончаси (**“ворк-аут”**) натижада, **285 нафар** аҳолининг спорт билан шуғулланиши учун зарур **шароитлар яратилади.**
13. Уй-жой фондини қуриш-таъмирлаш (**1,8 млрд. сўм**) бўйича жами **148 та** якка тартибдаги уй-жой ва **27 та** кўп хонадонли уй-жойлар таъмирланади. Шунингдек, ипотека кредитлари ҳисобидан **40 та** якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш (**10,0 млрд. сўм**) ишлари бажарилади. Натижада **1,3 минг нафар** аҳолининг **уй-жой шароити яхшиланишига эришилади.**
14. **Савдо, хизмат кўрсатиш** ва бошқа бозор инфратузилмасини яхшилаш (**3,1 млрд сўм**) доирасида (**Мустақиллик, Оби Хаёт**) жами **11 та** лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, шундан, **1 та** савдо мажмуаси, **5 та** маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, **3 та** кичик ишлаб чиқариш объектлари ва **2 та** бошқа турдаги бозор инфратузилма объектлари барпо этилади. Натижада, янги иш ўринлари ҳисобига **37 нафар** аҳоли **бандлиги таъминланади.**

Бундан ташқари, жорий йилда туманда ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида қиймати **327,9 млрд. сўмлик** (**103,1 млрд. сўм тадбиркорлар**

маблағлари, 161,8 млрд. сўм кредитлар ва 6 млн. долл. тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар) **39 та** лойиҳалар амалга оширилади. Натижада **471 та** янги иш ўринлари яратилади.

Шу билан бир қаторда, жорий йилда туманда **“Ҳар бир оила - тадбиркор”** дастури доирасида аҳолига **33 млрд** сўм кредитлар ажратилиши ҳамда камида **442 та** кичик бизнес субъектлари фаолияти ташкил этилиши режалаштирилган.

Шунингдек, тумандаги **3 та** маҳаллалар ҳудудларидаги **кичик саноат зонаси** фаолиятини ривожлантириш доирасида (2,5 млрд. сўм) **0,3 км** йўл, **4,0 км** ичимлик суви ва оқова сув **3,8 км** электр тармоғи барпо этилади.

Ҳозирги кунда туманнинг “Шаффоф” маҳалласи ҳудудида ташкил этилган кичик саноат заносида Хитой технологияси асосида хожатхона қоғози ишлаб чиқарилиши натижасида 8 та иш ўрни яратилди.

